

## Интернет сайлар

1. <https://yuz.uz/news/tadbirkorlar-bilan-ochiq-muloqot-yaxshi-ananaga-aylandi>
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. www.gazeta.uz
3. uzsmart.uz> encyclope
4. <https://ebn.eu>.«EBN-innovation network»
5. www.api.uz (O'zbekiston matbuot va axborot agentligi veb sayti).
6. www.xabar.uz (jahon bankining "biznesni yuritish" reytingi veb sayti). КИЧИК БИЗНЕС

### ВАХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИ МАХСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОМИЛЛАРИ

Онорбоев Ш.М. –  
ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
каптта ўқитувчиси e-mail:

**Аннотация:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари махсулот рақобатбардошлигини ошириш мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг хамда ахолини иш билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб хисобланади. Махсулот рақобатбардошлиги ошириш бевосита унинг шароитларини ва омилларини шакллантириш орқали амалга оширилади. Ушбу омилларни тўғри аниқлаш ва гурухлаш муҳим вазифа бўлиб хисобланади. Одатда омиллар бир бири билан узвий боғланган бўлганлиги боис уларнинг бирининг ўзгариши қолганларининг хам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун махсулот рақобатбардошлиги омилларини тадқиқ этишда уларни ўзгаришларидан келиб чиқадиган оқибатларни баҳолаш, кутиладиган хатарларни бартараф этиш бўйичаchorалар ишлаб чиқишига хам амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** Глобаллашув, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, рақобат, рақобатбардошлиқ омиллари, рақобатбардошлиқ критериялари омиллар классификацияси, истемолчилар, рақобатчилик, бозорлар.

**Abstract:** Povyshenie konkurentosposobnosti produktsii malogo biznesa i chastychnogo predprinimatelstva schitaetsya odnim iz vajnykh sredstv sotsialno-ekonomicheskogo razvitiya strany, a takje obespecheniya zanyatosti i povysheniya blagosostoyaniya naseleniya. Povyshenie konkurentosposobnosti tovara osushchestvlyatsya neposredstvenno za schet formirovaniya ego usloviy i faktorov. Pravilnaya identification and grouping etix factors yavlyaetsya vajnoy zadachey. Obychno faktori tesno svyazany drug s drugom, poetomu izmenenie odnogo iz nix privodit k izmeneniyu drugix. Poetomu pri izuchenii faktorov konkurentosposobnosti produktsii neobhodimo otsenivat posledstviya ix izmeneniya, razrabatyvat meropriyatiya po ustraneniyu ojidaemyx riskov.

**Keywords:** Globalization, small business and private entrepreneurship, competition, competitiveness factors, competitiveness criteria factor classification, consumers, competitors, markets.

**Аннотация:** Повышение конкурентоспособности продукции малого бизнеса и частного предпринимательства считается одним из важных средств социально-экономического развития страны, а также обеспечения занятости и повышения благосостояния населения. Повышение конкурентоспособности товара осуществляется непосредственно за счет формирования его условий и факторов. Правильная идентификация и группировка этих факторов является важной задачей. Обычно факторы тесно связаны друг с другом, поэтому изменение одного из них приводит к изменению других. Поэтому при изучении факторов конкурентоспособности продукции необходимо оценивать последствия их изменения, разрабатывать мероприятия по устранению ожидаемых рисков.

**Ключевые слова:** Глобализация, малый бизнес и частное предпринимательство, конкуренция, факторы конкурентоспособности, критерии конкурентоспособности, классификация факторов, потребители, конкуренты, рынки.

### **Кириш.**

Иқтисодиётнинг бугунги глобаллашув жараёнида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш мамлакат, тармоқ ва корхоналар олдида турган мухим вазифа бўлиб хисобланади. Маҳсулот рақобатбардошлиги рақобатбардошлик тушунчасининг мухим таркибий қисми бўлиб хисобланади. Маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш корхонада барча фаолиятни жумладан маҳсулот турини, ишлаб чиқариш тузилишини, технологияларини ва жараёнларини, бошқарувни, бозор ва истеъмолчилар билан боғлиқ фаолиятларни тубдан ёки қисман янгилашни талаб қиласди. Ушбу жараённи самарадорлиги маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг омилларини илмий асосланган холда аниқлашга ва уларни самарали бошқаришга бевосита боғлиқдир.

### **Мавзуга оид адабиётлар тахлили.**

Маҳсулот рақобатбардошлигига таъсир эътувчи омилларни бир қатор олимлар томонидан ўрганилган, шу жумладан: хориж олимларидан А. Маршалл, Ф. Хайек, М. Портрер, Ф. Котлер, Э. Чемберлин, А. Файгенбаум, Б. Джойнер, Э. Деминг ва бошқалар, хамдўстлик давлатлари олимларидан А. Юданов, Г. Азоев, Ю. Рубин, Р. Фатхутдинов, П. Завъялов, И. Лифиц, Т.Философова, кабилар, Ўзбекистон олимларидан А. Солиев, Ш. Эргашходжаева, Л. Абдухалирова , А. Бекмурадов, М. Юсупов ва бошқалар.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотни методологик асосларини хориж, хамдўстлик давлатлари хамда Ўзбекистонда ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган олимларининг тадқиқотлари ташкил этади. Ушбу манбаларни чуқур ўрганиш маҳсулот рақобатбардошлигининг янги ва бугунги кунда бевосита номоён бўлаётган омилларининг янги таркибини тушунишга ёрдам беради. Ишни бажаришда иқтисодий, тизимли ёндашув, таққослаш, мантиқий мушоҳада, сабаб ва оқибат, таркибий тахлил каби усуллардан фойдаланилди.

### **Тахлил ва натижалар.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулот рақобатбардошлиги

кўп даражали категория бўлганлиги сабабли уни барча даражаларига таъсир этувчи омиллар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ. Маҳсулот рақобатбардошлиги – бу бозорни маълум сегментида, истеъмолчилар истакларини шакллантирувчи, корхонага режалаштирилган фойдани таъминловчи ишлаб чиқаришни бахо ва ташкилий омиллари ва маҳсулотни сотиш хамда уни комплекс истеъмол хусусиятларидир.

Маҳсулот рақобатбардошлигини ушбу таърифидан келиб чиқиб маҳсулот рақобатбардошлигининг асосий жихатлари хақида хulosалар қилиш мумкин. Биринчи ўзига хос томони маҳсулот рақобатбардошлигини бошқа ўхшаш маҳулотга таққослаш орқали аниқланади, яъни маҳсулот рақобатбардошлиги нисбий тушунча. Иккинчи мухим хусусияти маҳсулот рақобатбардошлиги бозорни маълум сегменти учун аниқланади, истемолчиларни истаклари ва улар томонидан қилинадиган харажатлар ва товарни улар учун фойдалилиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Кўриниб турибдики товар бир вақтнинг ўзида хаммабозорларда вахаммавақтрасобатбардош бўлмас, балки маълум бозорнинг маълум сегментида рақобатбардош бўлади. Умумий рақобатбардошлик тушунчasi мавжуд эмас. Учинчи мухим хусусияти вақт билан боғлиқ бўлиб маҳсулот рақобатбардошлиги маълум давр учун аниқланади. Демак маҳсулот рақобатбардошлиги вақт ўтиши билан ўзгариб турувчи категория бўлиб хисобланади. Одатда корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги жуда кўп омиллар таъсири натижасида шаклланади. Ушбу омиллар корхона томонидан бошқарилиши мумкин бўлган ички омиллар ва корхона томонидан бошқарилиши мумкин бўлмаган, корхона фаолият юритаётган замон ва мухит билан боғлиқ бўлган ташқи омиллардан ташкил топади. Маҳсулот рақобатбардошлигини шакллантирувчи шартлар ва шароитлар, шаклланиши ва эришиладиган натижалар ўрганилаётганда Лифиц И.М. маҳсулот рақобатбардошлигини шакллантирувчи омиллар (сабаблар)ни маҳ-

сулот рақобатбардошлигини баҳолашда ишлатыладиган миқдорий ёки сифат күрсаткичлари (эришилган натижаларни) билан аралаштириб юбормасликни уқтиради. [1]

Рақобатбардошликтар омиллари деганда махсулот рақобатбардошлигининг критерияларини ўзгаришига олиб келдиган сабаблар тушунилади. Махсулот рақобатбардошлиги критериялари деганда товарни рақобатбардошлигини баҳолашда фойдаланиладиган уни сифат ёки миқдорий күрсаткичлари тушунилади. Махсулот рақобатбардошлигини оширишнинг турли сабаблари ўрганилаётган бўлса бундай

жараённи махсулот рақобатбардошлигини оширишнинг омилли тахлил жараёни дейилади. Махсулот рақобатбардошлиги омиллари жуда хам турли туман бўлганлиги боис ушбу масалада тадқиқот олиб борган олимлар ушбу омилларни турли йўналишларда классификациялашни амалга оширганлар. Жумладан В.Ю.Контарева махсулот рақобатбардошлигини шакллантирувчи омилларни даражалари, субъектлари бўйича ва корхонадаги мухитга боғлиқлигига қараб қўйидагича классификациялаган. (Таблица 1) [2]


Жадвал 1

### Махсулот рақобатбардошлигига таъсир эътувчи омиллар

Белгилари	Омиллар гурӯҳи	Омиллар	
Даражалари бўйича	Биринчи даража	Бахо, сифат, харажатлар, сервис сифати	
	Иккинчи даража	Ташқи ва ички омиллар	
Субъектлари бўйича	Истеъмолчилар учун	Бахо, сифат, реклама, махсулот ўрами, савдо белгиси, сотишни рагбатлантириш	
	Ишлаб чиқарувчилар учун	Иқтисодий, технологик, ташкилий	
	Савдо корхоналари учун	Иқтисодий ва ташкилий	
Корхона мухитига алоқадорлиги бўйича.	Ички	Техник-иктисодий	Сифат, баҳо, эксплуатацияга харажатлар.
		Коммерциявий	Бозор конюктураси, реклама, фирмалар имижи
		Меъёрий хукуқий	Махсулотни ушбу бозорда хафсиз ишлатишнинг техник, экологик ва бошқа талаблари, патент- хукуқий талаблар
		Ташқи	Рақобатчилар ўртасида рақобат, янги рақобатчиларни пайдо бўлиш хатари, ўринбосар товар ва хизматларни пайдо бўлиш хатари, истеъмолчиларни савдолашишдаги маҳорати, таъминотчиларни савдолашишдаги маҳорати

Махсулот рақобатбардошлиги товарни сифати билан биргалиқда уни бозордаги самарали харакатини хам тақозо этади. Махсулот рақобатбардошлиги ўзининг максималига эъришади қачонки уистемолчиларнинг талабларини ўзида максимал даражада мужассамлаштира олса. Завялов П.С.[3] махсулот рақобатбардошлигини бозорни сифат, иқтисодий, техник, эстетик, эргономик талабларига жавоб бериш билан биргалиқда яъна

маҳсулотни бозорда самарали сотилишини таъминловчи етказиб бериш шартлари, сотиш каналлари, реклама, сервис каби шартларни бажарилишига хам боғлиқлигидан келиб чиқиб махсулот рақобатбардошлигини қўйидагича гурӯхлайди. Унга кўра махсулот рақобатбардошлиги ташқи шаклланиш кўрсаткичлари, сифат кўрсаткичлари хамда иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан ташкил топади. 1 расм.



## 1 расм. Махсулот рақобатбардошлигини тафсиловчи күрсаткичлар таркибий тузилиши.

Ташқи шаклланиш күрсаткичлари икки қисмдан ажратилади:

1. Узоқ муддатли тенденциялар;
2. Қисқа муддатли ўзгарувчанлар.

Узоқ муддатли тенденциялар қуйидаги лардан ташкил топади:

1. Иқтисодиётни ривожланиш тенденцияси;
2. Бозорни ривожланиш тенденцияси;
3. Ілмий-техниктараққиёттенденцияси;
4. Истеъмол таркибининг барқарор ўзгаришлари;
5. Бошқалар.

Қисқа муддатли ўзгарувчанлар қуйидагилардан ташкил топади:

1. Коньюктурадаги ўзгаришлар;
2. Рақобатчини кутилмаганды бозорда пайдо бўлиши ёки бозордан кетиши;
3. Моданингўзгариши;
4. Бошқалар.

Сифат күрсаткичлари икки тоифа талабларга ажратилади:

1. Стандартлаштирилувчи (Амалдаги стандартлар, меъёрлар ва рекомендациялар орқали аниқланадиган);

2. Қатъий регламентлар асосида белгиланадиган (Техник регламентлар ва қарорлар билан аниқланадиган):

Стандартлаштирилувчи, амалдаги стандартлар, меъёрлар ва рекомендациялар орқали аниқланадиган талаблар учта таркибий қисмга бўлинади:

1. Мўлжалланганлиги;
2. Эргономик талабларга мослиги;
3. Бошқалар.

Қатъий регламентлар асосида белгиланадиган техник талаблар ва қарорлар билан

аниқланадиган талаблар қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

1. Патент, хукуқий;
2. Хафсизлик;
3. Экологик;
4. Бошқалар.

Иқтисодий күрсаткичлар икки қисмга ажратилади:

1. Бир вақтда амалга оширилувчи (махсулотни жалб қилиш харажатлари);
2. Жорий (махсулотни эксплуатация (истеъмол) қилиш) харажатлари.

Бир вақтда амалга оширилувчи (махсулотни жалб қилиш) харажатлари қуйидагилардан ташкил топади:

1. Махсулотни тўланган қиймати;
2. Етказиб бериш (транспортировка) харажатлари;
3. Солик божхона йигимлари;
4. Ўрнатиш (монтаж қилиш) сотищдан олдинги хизматлар.

Жорий (махсулотни эксплуатация (истеъмол) қилиш) харажатлари қуйидагилардан ташкил топади:

1. Кўрик вахизмат кўрсатиш харажатлари;
2. Таъмир харажатлари;
3. Эҳтиёт қисм харажатлари;
4. Ёнилғи, энергия харажатлари;
5. Амортизация харажатлари;
6. Утилизация харажатлари;
7. Бошқалар.

Махсулот рақобатбардошлиги омилларини классификациялари орасида Р. Фатхуддинов классификацияси ўзининг тўлиқлилиги билан ажраб туради. У омилларни муҳим хусусиятларига қараб ички ва ташқи омилларга ажратиш билан биргаликда ушбу

омилларни махсулот рақобатбардошлигига таъсирини ёритиб беради. У ташқи омилларга қўйидагиларни киритади: [4]

1. Мамлакат рақобатбардошлиги дараҷаси (ушбу кўрсаткичмиқдорини ортиб бориши билан махсулот рақобатбардошлигининг барча кўрсаткичлари яхшиланади);

2. Тармоқ рақобатбардошлигининг дараҷаси (ушбу кўрсаткични яхшиланиши билан махсулот рақобатбардошлигининг барча хусусий ва интеграл кўрсаткичлари яхшиланади).

3. Худуд рақобатбардошлиги дараҷаси (ушбу кўрсаткични ортиши билан махсулот рақобатбардошлигининг барча хусусий ва интеграл кўрсаткичлари яхшиланади).

4. Махсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг рақобатбардошлик дараҷаси (ушбу кўрсаткични ортиши махсулот рақобатбардошлигининг барча хусусий ва интеграл кўрсаткичлари яхшиланади).

5. Рақобатчи (эски ва янги)лар ўртасидаги тизимга чиқишдаги рақобатнинг кучи (интенсивлиги)нинг ортиши махсулот рақобатбардошлигини ортиради.

6. Хом ашё, материал, тўлдирувчи қисмлар ва бошқа қисмлар (компонентлар)ни етказиб берувчилар орасидаги рақобатнинг тизимга киришдаги кучи (рақобат кучи (интенсивлиги)нинг ортиши махсулот рақобатбардошлигини ортишига олиб келади).

7. Ўриндош товарлар ўртасидаги рақобатнинг кучи (рақобат кучи (интенсивлиги)нинг ортиши махсулот рақобатбардошлигини ортиради).

8. Истеъмолнинг янгиларини пайдо бўлиши (ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг рақобатбардошлигини пасайтиради.)

9. Воситачилар ва товарлар истеъмолчиларда ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувнинг дараҷаси (ташкил этиш дараҷасининг ортиши махсулот рақобатбардошлигининг ортишига олиб келади).

10. Боғловчи аудиториялар фаоллиги (ижтимоий ташкилотлар, истеъмолчилар уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ва шу кабиллар) боғловчи аудиторияларнинг фаоллигининг ортиши махсулот рақобатбардошлигини ортишига олиб келади).

### Ички омиллар: [5]

1. Махсулот (янгилиги)ни конструкциясини (тузилиши, таркиби)нинг патентлаштирилиш қобилияти (махсулотни патентлаштирилиш қобилияти қанча юқори бўлса уни рақобатбардошлиги шунча ортади).

2. Тизимни ташкилий ва ишлаб чиқариш таркибий тузулмаларини унумлилиги (рационаллиги) (таркибий тузилма таркибий тузилма ва жараёнларни рационаллик тамойилига жавоб бериши керақ, шу шароитда таркибий тузилма махсулот рақобатбардошлигини ошишига олиб келади.)

3. Тизим ерсонали рақобатбардошлиги (персонал рақобатбардошлигининг ошиши махсулот рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади).

4. Ахборот технологияларининг такомиллашганлиги (такомиллашган ахборот технологияларининг салмоғини ортиши махсулот рақобатбардошлигини оширади).

5. Технологик жараёнлар ва ускуналарнинг такомиллашганлиги (такомиллашган технологияларининг салмоғини ортиши махсулот рақобатбардошлигини ошишига олиб келади).

6. Бошқарув тизими (менежмент)нинг илмий дараҷаси (илмий ёндашувлар, тамойиллар ва замонавий усулларнинг ортиши махсулот рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади).

7. Тизим миссиясининг асосланганлиги (миссия тизим ва унинг махсулотини рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим).

### Хуолоса ва таклифлар.

Бугунги дунё иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида корхоналар махсулот рақобатбардошлиги иқтисодиётнинг энг муҳим тушунчаларидан бирига айланди. Дунё иқтисодиётининг, мамлакатлар иқтисодиётининг, худудлар, тармоқлар ва қолаверса корхоналар иқтисодиётнинг мувафақиятли ривожланиши замирида аввало ишлаб чиқарилаётган махсулотлар рақобатбардошлиги дараҷаси ётади. Бутун дунёда бозор учун махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти шуғулланувчи корхоналар ишлаб чиқарилаётган махсулотларни рақобатбардошлигини ошириш ва бозорда рақо-

батчилар орасида ишончли мавқеда қолиш учун жуда катта сайъи харакатларни олиб борадилар. Бозорда рақобатда устун мавқеъни таъминлайдиган маҳсулотрақобатбардошлиги корхона томонидан бошқариш мумкин бўлган ички омиллар ва корхона томонидан бошқариш мумкин бўлмаган ташқи комплекс омиллар таъсири натижасида шаклланади. Ушбу омилларни аниқлаш ва уларни яхшилаш мухим вазифа бўлиб хисобланади. Ушбу масала бир қатор дунё олимлари томонидан чуқур тадқиқ қилинган хамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини таъминловчи омиллар аниқланган ва уларни классификацияси амалга оширилган. Аммо дунё иқтисодиёти ривожланиш тенденцияларининг ўзгариб бориши бугунги кунда муаммога янгича ёндашувларни тақозо этади. Кейинги даврларда иқтисодиётнинг ривожланиши ва ахоли даромадларининг ортиб бориши истеъмолчилар таркибида ва уларнинг маҳсулотга қўядиган талабларида, уларни маҳсулот сотиб олиш сабабларида бир қатор ўзгаришларига олиб келди. Натижада маҳсулотнинг сифати ва нархи тарздаги маҳсулот рақобатбардошлиги характерловчилари маҳсулотни бозорда мувафақиятли харакатини таъминлай олмай қолди. Шунинг учун хозирги даврда маҳсулот рақобатбардошлигини омилларини янги класификациясини тузишда истемолчилар хатти харакатларидаги ўзгаришларни хисобга олиш зарурияти юзага келди. Ушбу холатларни хисобга олиб бугунги кунда кичик корхоналар маҳсулот рақобатбардошлигини омилларини қўйидаги гурухларини тавсия этиш мумкин:

### 1. Ташқи омиллар:

Иқтисодиётни ривожланиш тенденцияси, бозорни ривожланиш тенденцияси, илмий – техник тараққиёт тенденцияси, истеъмол таркибининг барқарор ўзгаришлари, мамлакат рақобатбардошлиги, тармоқ рақобатбардошлиги, худуд рақобатбардошлиги, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона рақобатбардошлиги, тизимга чиқишдаги рақобат кучи, тизимга киришдаги рақобат кучи, ўриндош товарлар орасидаги рақобат кучи, истемолни янгиланиши, маҳсулот харидорлари

ва воситачиларда ташкил этишнинг ахволи, боғловчи аудиториялар фаоллиги каби омиллар

### 2. Ички омиллар:

Маҳсулот сифатини таъминлаш омиллари;

### Маҳсулот нархи омиллари

### 3. Қўшимча омиллар:

Маҳсулотни хақиқийлиги; хафсизлик меъёрларигажавоббериши; истемолчиларнинг маълум гурухига йўналтирилганлиги; маҳсулот тўғрисида ахборотнинг етарлилиги; маҳсулотнинг ўхаш товарларга нисбатан янгилиги; маҳсулотни обрўси; имиж; корхона хақидаги ижобий фикрлар бошқалар.

Шуни хам такидлаш жоизки маҳсулотни рақобатбардошлигини омилларини ўрганиш жараённада асосий эътиборни бевосита маҳсулот истеъмолчилари томонидан талаб қилинадиган критерияларни шакллантирувчи омилларни шакллантиришга қартилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу омилларни самарали ташкил этиш маҳсулот рақобатбардошлигига юқори натижаларга эришишга олиб келади. Ушбу омиллар бир бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, битта омилдаги ўзгариш бошқаларининг хам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ушбу иқтисодий категорияни тизимли равишда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Шу билан биргалиқда маҳсулот рақобатбардошлиги ошириш яъна маълум даражада таваккалчилик билан хам боғлиқ бўлиб хисобланади. Чунки бозор ўзгаришлари олдиндан башоратлаш орқали аниқланади аммо ушбу ўзгаришларни олдиндан аниқ хисоб китоблари мавжуд эмас. Шунинг учун маҳсулот рақобатбардошлиги бўйича вазифалар режалаштирилаётган бир вақтда сифат менежменти воситасида кутилаётган хатарларни баҳолаш ва барча жараёнлар учун унинг таъсиirlарини хисоблаш ва шундан келиб чиқиб олдиндан кутилмаган холатлар чора- тадбирлар режасини ишлаб чиқиши талаб қилинади. Юқоридаги омилларни самарали ташкил этиш маҳсулотни бозорда сифатини ва хафсизлигини таъминлайди хамда маҳсулот рақобатбардошлигини ошишига олиб келади..

## Фойдаланинлган адабиётлар рўйхати.

- 1.Лифиц, И. М. Л64 Конкурентоспособность товаров и услуг: учеб. пособие /И. М. Лифиц. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. – 460 с2/
2. Контарева В. Ю. Систематизация факторов, влияющих на конкурентоспособность молочной продукции// Техника и технология пищевых производств. – 2015. – Т. 39. – № 4. – С. 157-161.
3. Завьялов П. С. Маркетинг в схемах, рисунках, таблицах. М.: ИНФРА-М, 2007. С. 226.
4. Фатхутдинов Р.А. Стратегическая конкурентоспособность:Учебник / Р.А. Фатхутдинов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика»,2010. С. 234.
5. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: сэконоомика, маркетинг, менеджмент. Изд. 2-е, перераб. и доп. М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2011. С. 234.

## ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

**Халилов Мухиддин Шакирович –**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти

**Аннотация:** Дунё миқёсида ҳозирги даврнинг асосий ижтимоий муаммолари сифатида бу камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш кабиларни ҳам кўришимиз мумкин. Оилавий тадбиркорлик ўзининг устивор жиҳатлари, ижтимоий функциялари орқали даромадларни ортишига, ишсизликни камайишига ва камбағалликни қисқаришига хизмат қилади. Мақолада оилавий тадбиркорликни шакллантириш асослари, унинг афзаллилари ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўналишлари ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, ижтимоий функция, ишсизлик, бандлик, аҳоли даромадлари, мулқдор, рақамли иқтисодиёт.

Кириш.

Жаҳонда иқтисодиётни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг даромадини оширишдаки кичик бизнес саҳусусий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий янгилаш, диверсификация қилиш, инновацияларни жорий этиш жараёнлари янги турдаги йўналиш ва тармоқларни вужудга келиши, ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида оилавий тадбиркорлик фаолиятини яна-да жадал суръатларда ривожланишига ва у орқали иқтисодий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш орқали, фаровонликни таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга

оширилмоқда. Оилавий тадбиркорлик Европа Иттифоқи давлатларида ЯММнинг 40-50 % ни, Осиёнинг тараққий этган мамлакатларида 65-82 % ни, Лотин Америкаси мамлакатларида 70 % га яқинини, АҚШда эса 95 % дан кўпроқни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида оилавий тадбиркорликнинг ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, ўрта мулқдорлар қатламини ўстириш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш иқтисодий тараққиётнинг дол-зарб йўналишларидан ҳисбланади.

### Тадқиқот методологияси.

Оилавий тадбиркорлик томонидан ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўналишлари, унинг ижтимоий функцияларини ўрганиш, тадқиқ этиш, хуносалар шакллантиришда, эмпирик, илмий абстракция, таҳлил ва